

112 -СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилтлари) учун

“9 июнь 2022 й

Янгибозор тумани.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда –Компания) номидан 05.01.2022 йилдаги 27-01-14/33-сон ишончном асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Хоразм филиали Янгибозор телекоммуникация болгаси бошлиги **Исмоилов Тажибай** (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Насибоверт. №-сийбөлар Мусави ве сенга ғаштоба номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганли түгрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Б. Сапарбек (кейинги ўринларда - Абонент) иккичи томондан (кейинги ўринларда биргалиқда - Томонлар) телекоммуникация хизматлар кўрсатилиши бўйича кўйдагилар ҳакида Абонент шартномасин (кейинги ўринларда Шартнома) туздилар :

1.Шартнома предмети

1.1.Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

-Операторнинг **WWW UZTELECOM.UZ** расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 367-369 моддаларига мувофиқ «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш түгрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда - Офера) шартлари билан тўлиқ таниши чикканлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши түгрисида шартнома тузади;

-Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегиши молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептни) хисобланади.

1.2.Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматла рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, Дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3.Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқкан ҳолда белгиланади.

2.Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1.Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2.Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3.Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз хукуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини тъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3.Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1.Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алока хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2.Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиши жараённида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3.Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч)** банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1.Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. Дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишили иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4.Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишили иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни хисобга олган ҳолда) **9000 (Чукори мис)** сўмни ташкил этади.
Ушбу сумма _____ () сўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда _____ миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1.Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5.Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч)** банк куни ичida ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш ўйли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлайди.

3.6.Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7.Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1.Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатиши, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишини истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1- кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Офера коидалари билан тартибга солинади.

3.8.Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фактат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9.Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг, тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1.Агар Абонент **10 (үн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклида тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишили тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилдиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишили тузатишларни амалга оширади.

3.10.Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

3.10.Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиши имконияти берилиши мумкин.

4.Томонлар жавобгарлиги

4.1.Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5.Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1.Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2.Томонлар ўргасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишининг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ Урганч туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6.Алоҳида шартлар

6.1.Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қурашибни тартибга солувчи қонун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаша ва коррупция ҳолатларига муросасиз қурашиби чораларини кўради.

6.2.Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлик бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал қилинади.

6.3.Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишиб шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат таълфилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хақда мажбурий равишда хабардор килинади.

7.Якуний Қоидалар

7.1.Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига амал қиласди.

7.2.Ушбу Шартнома Томонлар ўргасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришини давом эттираса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор қилинишини эълон килмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1.Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди.

7.2.2.Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши – Офера акцептини (Абонентнинг Оферга шартларини қабул килганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3.Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Офера, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўргасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳукукий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда, Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ўн) календарь кун ичida бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5.Ушбу Шартномага ўзгаришилар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг мухрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

7.6.Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8.Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:	АБОНЕНТ:
“Ўзбектелеком” АК Хоразм филиали Янгибозор телекоммуникация боғламаси	Дарё Бозор тумони 16-сондаги ярдемчада бўй сензот леякоти
Манзил: Янгибозор шаҳарчаси Ж.Мангуберди № 1	ЧИЧИЗОНОН қўйаси 24/1 т.н. ГЛ-Ч1-94/105 2022-203280437
Тел: 624194152	м.нр. 400612860332367096600056001
Банк маълумотлари:	МСБ. 23402000300100001080 ч.нн. 201922895 ҲФО: 00014
X/P 2021000304074838371	Маорифея банк Тошкент шаҳар бош оғиси
АТ Алока банк Тошкент шаҳар бош оғиси	Х.Р. 23402000300100001080 ч.нн. 201922895 ҲФО: 00014
МФО: 00401	Маорифея банк Тошкент шаҳар бош оғиси
СТИР: 203366731	Х.Р. 23402000300100001080 ч.нн. 201922895 ҲФО: 00014
ОКЭД: 61100	Маорифея банк Тошкент шаҳар бош оғиси
E-mail: xor_kans@uztelecom.uz	
ҚҚС тўловчисини рўйхатдан ўтказиши коди: 326030013817	

Оператор номидан:

Т.Исмоилов

м.у.



Абонент номидан:

07.01.2021.



Голосяев Г. Салорбеков
М.у.

Шартноманинг йиллик суммаси

«7» декабрь 2022 йилдаги № 112 шартномага илова

Хизмат тури	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	Жами
Интернет 01.	30000				30000
Телефон 01.	30000				30000
03.	30000				30000
Итого:	90000				90000
	<u>80000</u>				
		(<u>Түгъсбек Абдигалиев</u>)			

«ОПЕРАТОР»

“Ўзбектелеком” АҚ Хоразм филиали
Янгибозор телекоммуникация боғламаси

Т.Исмоилов



«АБОНЕНТ»



Халиборр тұмандық 16-сын бөледін
бүреке 68 сөзбен шешті
Сәхнегін Б. Сапарбаев.